

Росулуллоҳнинг уйқулари ва ибодатлари ҳақида келган боблар.

﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي صَفَةِ نَوْمِ رَسُولِ اللَّهِ وَعِبَادَتِهِ﴾

صلی اللہ علیہ وسلم

[Ўзбекча – Uzbeking –]
الإوزبکي

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдӯллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿ باب ما جاء في صفة نوم رسول الله وعبادته ﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله والصلوة والسلام على رسول الله وعلى آله وصحبه ومن والاه وبعد:

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотуҳ! ҳурматли мӯъмин биродарлар! бугунги сұхбатимиз “шамоили муҳаммадия”дан йигирма биринчи дарс бўлиб, бу дарсизмизда иккита бобда келган ҳадислар билан баҳоли қудрат танишамиз иншааллоҳ!

39 - باب ما جاء في صفة نوم رسول الله وفيه 7 أحاديث

Бу ўттиз түккизинчи боб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйқуларининг сифатини баён этади. Бу бобда еттига ҳадис ривоят қилинган.

254 - حدثنا محمد بن المثنى أبنا عبد الرحمن بن مهدي أبنئ إسرائيل عن أبي إسحاق عن عبد الله بن يزيد عن البراء بن عازب أن رسول الله كان إذا أخذ مضجعه وضع كفه اليمنى تحت خده الأيمن وقال رب قني عذابك يوم بعث عبادك

Ал-Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: Росуллаппох саллаллоху алайҳи васаллам агар ухлаш учун жойларига ётсалар, ўнг кафтларини ўнг яноқлари остига олар эдилар, сўнг эй! Раббим! мени, бандаларингни қайта тирилтирадиган кунда, азобингдан асрагил!-дер эдилар.

255 - حدثنا محمد بن المثنى أئبنا عبد الرحمن أئبنا إسرائيل عن أبي إسحاق عن أبي عبيدة عن عبد الله مثله وقال يوم تجمع عبادك

Бу ҳадис ҳам аввалги ҳадиснинг айнан ўзи бўлиб, бу икки ҳадиснинг ўртасидаги фарқ шуки: иккинчисида “бандаларингни қайта тирилтирадиган кун” –дейилган лафзнинг ўрнида “жам қиласидиган кунда” -деган лафз зикр этилган.

أحياناً بعد ما أهاتناه واليه النشور
256 - حدثنا محمود بن غيلان ثنا عبد الرزاق أنا سفيان عن عبد الملك بن عمير عن ربعي بن حراش عن حذيفة قال كان النبي إذا أوى إلى فراشه قال اللهم باسمك أموت وأحيي وإذا استيقظ قال الحمد لله الذي

Хұзайфа розияллоху анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам агар тұшакларига ётиб, ухламоқчи бўлсалар, айтар эдиларки: Эй! илоҳим! сенинг исминг ила ўламан ва тириламан! Агар уйқудан уйғонсалар, бизни ўлдиригандан кейин, қайта тирилтирган Оллоҳ учун ҳамлар бўлсин! Ва қайта тирилиш унинг ҳузуригадир. –дер эдилар.

Изоҳ: Мулла Али қори раҳимаҳуллоҳ айтадиларки: Ҳадисда уйқуни ўлим –деб зикр қилиншига сабаб, чунки инсон ухлаши билан ақл-идроқи ва ҳатти-ҳаракати амалдан тұхтайди. Яна бундан ташқари араб тилида сұкунатни ўлим -деб ҳам номлашади. Масалан шамол эсиидан тинса, шамол ўлди дейдилар. Сүнг бу аллома айтадиларки: Менимча ҳақиқатга яқинроги инсон ухлаши сабабли, ҳаракатдан тұхтагани учун, уни ўлик -деб әထиборга олинган бўлса керак. Чунки Оллоҳ таоло қуръон каримда:

(У сизлар ором олишингиз учун кечани ва (касбу кор, сайру саёҳат қилишингиз учун) очик-ёргө бўлган кундузни яратиб қўйган зотдир. Албатта, бунда қулоқ тутиб англовчи қавм учун оят-аломатлар бордир. (юнус 67) –дегандир.- деб сўзларига далил қиласидилар.

Яна шунга яқинроқ маънода келган, уйқуни ўлим ибораси билан таъриф этган, бошқа бир ояти каримани мисол қиласиз:

У кечаси «жонингизни оладиган» (яъни уйқу берадиган), кундузи қилган ишингизни биладиган зотдир. Сүнгра айтилган ажсал (яшаи учун берилган муҳлат) адo қилинши учун унда (яъни кундузи) сизларни «тирилтирур». Кейин Ўзига қайтишингиз бордир. Сүнгра сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур.

Яна шу маънода келган оялардан бири ушибу оядидир:

Жонларни ўлим вакътларида, (ҳали-ҳануз) ўлмаганларини эса ухлаётган пайтларида Оллоҳ олур. Бас Ўзи ўлимга ҳукм қилган жонларни (баданларга қайтармасдан) ушлаб қолур, бошқаларини эса белгиланган бир муддатгача (яъни ажсаллари етгунича) қўйиб юборур. Албатта бунда тафаккур қиласидиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

257 – حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا المفضل بن فضالة عن عقيل أراه عن الزهري عن عروة عن عائشة قالت
كان رسول الله إذا أوى إلى فراشه كل ليلة جمع كفيه فنث فيهما وقرأ فيهما قل هو الله أحد و قل أعوذ برب
الفلق و قل أعوذ برب الناس ثم مسح بهما ما استطاع من جسده يبدأ بهما رأسه ووجهه وما أقل من جسده
يصنع ذلك ثلاث مرات

Оиша онамиздан ривоят қилиниб, у зот айтадиларки: Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам агар жойларига ётиб, ухламоқчи бўлсалар, ҳар кеча икки кафтларини жамъ қилиб, унга қулхуваллоҳу аҳад, қулаъузу бироббили фалақ ва қулаъузу бироббиннасни ўқиб, кафтларига нафҳ урадилар, сўнг шу икки кафтлари билан бутун жасадларига, икки қўллари етганича суркардилар. Аввало бошлари, юзлари ва олди тарафларидан суркашни бошлардилар. Ва шу тарзда уч бор такрор қиласидилар.

Изоҳ: Мулла Али қори айтадиларки: *Нафҳ урии оғиздан сұлак аралаш ҳаво пуфлаши демакдир. Баъзи уламолар нафҳ сұлак аралаштирумай пуфлашикдир ҳам -дейдилар. Валлоҳу аълам.*

– حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن مهدي ثنا سفيان عن سلمة بن كهيل عن كريب عن ابن عباس أن رسول الله نام حتى نفح وكان إذا نام نفح فأتاه بلال فاذنه بالصلاوة فقام وصلى ولم يتوضأ

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни ухлаб, ҳатто ҳуррап ҳам отган әдилар. У зотнинг одатлари, агар ухласалар, ҳуррап отар әдилар. Қўққис Билол келиб қолиб, азон айтиб юбордилар. Ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам, намоз вақти кирганини хабар қилиб қўйдилар. Росулуплоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол туриб, таҳорат олмай, намозни ўқийвердилар.

Изоҳ: Мулла Али қори айтадиларки: *Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хусусиятларидан у зот ухласалар кўзлари ухлар эди, лекин қалблари эса уйғоқ бўлар эди. Шунинг учун таҳорат олмай намоз ўқиганлар.*

– حدثنا إسحاق بن منصور ثنا عفان ثنا حماد بن سلمة عن ثابت عن أنس بن مالك أن رسول الله كان إذا أوى إلى فراشه قال الحمد لله الذي أطعمنا وسقانا وكفانا وآوانا فكم من لا كافي له ولا مؤوي

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, у зот айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам агар жойларига ётиб, ухламоқчи бўлсалар, шундай - дер әдилар: Бизларни тўйдириб, ичирган ва бизларга жой бериб, ҳожатларимизни ўтаган, Оллоҳ таолога ҳамд-санолар бўлсин! Қанча-қанча инсонлар борки; Уларни жой билан таъминлайдиган, ҳар ишларида улар учун мутасаддийлик қиласидиган ҳомий йўқдир!

Изоҳ: *Бу ҳадисга бир дикқат билан боқайлик, олдингдан оққан сувни қадри йўқ! деганларидек, неъмат қадрини, неъматга чулғанганлар билмаслар! Оллоҳ таолонинг улкан неъматлари ичida, лаззат-роҳатга ботиб, гүё бизларга бу неъматларни ҳеч ким инъом қилмагандек, ҳис-туйгуларда бўлиб, ўзимизни ким эканлигимизни ҳам унатайтадик. Мўъмин банда асло ўзлигини унитмай, бандачилигида туриб, раббисининг неъматлари учун, мудом шукраналар қилиши даркор. Оллоҳ таолога бениҳоят ҳамду-санолар бўлсинки! бизларни турли-туман инъонмлари билан сийлаб, бизлардан раҳаматини дариг туттади, қиёмат кунида ҳам бизларни бутун ҳалойиқлар олдида шарманда қиласин! Ва бизларни шукр қилгувчи бандаларидан қиласин!*

260 - حدثنا الحسين بن محمد الحريري ثنا سليمان بن حرب ثنا هاد بن سلمة عن هيد عن بكر بن عبد الله المزني عن عبد الله بن رباح عن أبي قتادة أن النبي كان إذا عرس بليل اضطجع على شقه الأيمن وإذا عرس قبل الصبح نصب ذراعه ووضع رأسه على كفه

Абу Қатодан ривоят қилинади айтадиларки: Агар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда бўлганларида, кечаси йўлда тўхтаб дам олмоқчи бўлсалар, ўнг томонлари билан ёнбошлаб ётар эдилар. Мабодо тонг отишидан бир оз аввал, йўлда тўхтаб, дам олмоқчи бўлсалар, ёнбошлаб олиб, билакларини тик қилиб, тирсакни ерга тираб, бошларини кафтларига қўйиб ётар эдилар.

Изоҳ: *Мулла Али қори айтишиларича: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини ердан кўтариб ётишиларига сабаб намоз вақти яқин бўлганлиги учун эди. Чунки хотиржам ухлаб қолса киши, намозга уйгонни қийин бўлади ва уйгонгандага ҳам мудроқ босиб, намоз ўқиши мумкин.*

40- باب ما جاء في عبادة رسول الله وفيه 26 حديثا

Қирқинчи боб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатларини баёни ҳақидадир.

261 - حدثنا قتيبة بن سعيد وبشر بن معاذ قالا أنا أبو عوانة عن زياد بن علاقة عن المغيرة بن شعبة رضي الله عنه قال صلى رسول الله حتى انتفخت قدماه فقيل له أتكلف هذا وقد غفر الله لك ما تقدم من ذنبك وما تأخر قال أفلأ أكون عبدا شكورا

Ал-Муғира ибн Шўъбадан ривоят қилинади, айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай кўп намоз ўқирдиларки, ҳатто икки оёқлари шишиб кетарди, у зотга намунча ўзингизни қийнамасангиз! Ахир Оллоҳ таоло ўтмиш ва келажак гуноҳларингизни мағфират қилганку!- дейилган эди. Шунда у зот айтадиларки: Оллоҳга кўп шукур қилгувчи обид банда бўлмайманми?

Изоҳ: Яъни бу буюк неъмат учун Оллоҳ таолога, тоат-ибодатлар қилиб, шукурлар қилгувчи банда бўлмайманми? –деб неъматни инъом этувчига шукур қилиши кераклигини ва у шукур қандай тарзда бўлишини умматларига илмий ва амалий равишда ёритиб бераятилар.

262 - حدثنا أبو عماد الحسين بن حرثة أنا الفضل بن موسى عن محمد عمرو عن أبي سلمة عن أبي هريرة رضي الله عنه قال كان رسول الله يصلي حتى ترمي قدماه قال فقيل له أتفعل هذا وقد جاءك أن الله تعالى قد غفر لك ما تقدم من ذنبك وما تأخر قال أفلأكون عبداً شكوراً

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у зот айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам оёқлари шишиб кетгунча намоз ўқирдилар. У кишига нега бундай? Қиласиз? Оллоҳ таоло ўтмиш ва келажак гуноҳларингизни мағфират қилганлигини сизга хабар қилган-ку! -дейилди. Шунда у зот айтдиларки: Қўп шуқр-яъни бу неъматларни инъом этган зотга- қилгувчи обид банда бўлмайманми?

263 - حدثنا عيسى بن عثمان بن عيسى بن عبد الرحمن الرملى ثنا عمي يح ي بن عيسى الرملى عن أبي صالح عن أبي هريرة رضي الله عنه قال كان رسول الله يقوم يصلي حتى تستفح قدماه فيقال له يا رسول الله تفعل هذا وقد غفر الله لك ما تقدم من ذنبك وما تأخر قال أفلأكون عبداً شكوراً

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қиёмул-лайл -яъни кечасида ўқиладиган нафл - намозини шунчалик кўп ўқир эдиларки, ҳатто икки оёқлари шишиб кетарди, у зотга нега бундай қиласиз? Ахир Оллоҳ таоло ўтмиш ва келажак гуноҳларингизни мағфират қилган-ку! -дейилди. Шунда у зот, шукур қилгувчи банда бўлмайман-ми? -дедилар.

264 - حدثنا محمد بن بشار أنا محمد بن جعفر ثنا شعبة عن أبي إسحاق عن الأسود بن يزيد قال سأله عائشة رضي الله عنها عن صلاة رسول الله بالليل فقالت كان ينام أول الليل ثم يقوم فإذا كان من السحر أو ترث ثم أتى فراشه فإذا كان له حاجة ألم بأهله فإذا سمع الأذان وتب فإن كان جنباً أفضض عليه من الماء وإن توضاً وخرج إلى الصلاة.

Ал-Асвад ибн Язиддан ривоят қилинади айтадиларки: Оиша розияллоҳу анҳодан Пайғамбар алайҳиссаломнинг кечасида ўқийдиган, нафл намозлари ҳақида сўрадим. У зот айтдиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам кечанинг аввалги қисмида ухлаб, сўнг уйғонар эдилар. Агар саҳар вақти кириб қолган бўлса, витр намозларини ўқиб, сўнг тўшакларига қайтиб келардилар. Агар аёлларига ҳожатлари бўлса, ҳожатларини ўтар эдилар. Намоз учун азон овозини эшитсалар, дарҳол ўрниларидан туардилар, кейин жунуб ҳолатида бўлсалар, тусл қилиб, ундан бўлмасалар, таҳорат олиб, намозга чиқиб кетар эдилар.

265 - حدثنا قبية بن سعيد عن مالك بن أنس (ح) و ثل إسحاق بن موسى الأنصاري ثنا معن عن مالك عن مخرمة بن سليمان عن كريب عن ابن عباس انه أخبره انه بات عند ميمونة وهي خالته قال فاضطجعت في عرض الوسادة واضطجع رسول الله في طوها فنام رسول الله حتى إذا اتصف الليل أو قبله بقليل أو بعده بقليل فاستيقظ رسول الله فجعل يمسح النوم عن وجهه وقرأ العشر الآيات الخواتيم من سورة آل عمران ثم قام إلى شن معلق فتوضاً منها فأحسن الوضوء ثم قام يصلى قال عبد الله بن عباس فقمت إلى جنبه فوضع رسول الله يده اليمنى على رأسى ثم أخذ بأذني اليمنى ففتلها فصلى ركعتين ثم ركعتين ثم ركعتين ثم ركعتين ثم ركعتين قال معن ست مرات ثم أوتر ثم اضطجع حتى جاءه المؤذن فقام فصلى ركعتين خفيفتين ثم خرج فصلى الصبح

Курайбдан ривоят қилинишича, у кишига ибн Аббос розияллоху анҳу холалари Маймуна розияллоху анҳонинг уйларида бир кеча тунаб қолганликларини хабар қилган эканлар. Ибн Аббос айтадиларки: Мен ёстиқнинг кўндаланг тарафида ён бошлаб ётдим, Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эса ёстиқнинг узанасида ётиб ухладилар. Ярим кеча бўлганда, ёки ундан озгина олдин, ёки бир оз кейинроқ Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам уйғондилар. Уйқуни кетказмоқчи бўлиб, юзларини қўллари билан ишқаладилар. Кейин эса “оли имрон” сурасининг охирги оятларидан ўқидилар. Сўнг осиғлиқ турган мешга бориб, ундан сув олиб, таҳорат қилдилар, таҳоратлари нақадар гўзал бўлди. Сўнг намоз ўқий бошладилар. Абдуллоҳ ибн Аббос айтадиларки: У зотнинг ёнларига келиб турдим, -албатта у зот ҳам таҳорат олиб келганлар, ёки таҳоратли бўлиб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васасалламнинг уйғонишиларини кутуб, ухламай ётган эдилар- Пайғамбар алайҳиссалом ўнг қўлларини бошимга қўйиб, сўнг ўнг қулоғимдан ушлаб, бураб қўйдилар. Кейин эса икки ракаат намоз ўқидилар, сўнг яна икки ракаат, яна икки ракаат, яна икки ракаат, яна икки ракаат, яна икки ракаат намоз ўқидилар. Ровийлардан Маън исмлиқ киши айтадиларки: Олти марта икки ракаатдан, сўнг витр ўқиганлар, кейин эса ён бошлаб ётдилар, муazzин аzon айтгунга қадар. Кейин ўрниларидан туриб, икки ракаат енгил –бомдоднинг суннати- намоз ўқиб, бомдод намозига чиқиб кетдилар.

Изоҳ: Уламолар бу ҳадисдан жуда кўп соҳаларга таалукли илмий истинбутлар чиқарган эканлар. Ҳатто шу ҳадиснинг ровийси ибн Аббос розияллоху анҳунинг ахлоқларидан ҳам, мўъмин кишининг қалбини ўзига жалб этиб, уни ҳайратда қолдирадиган намунали ўрнаклар келтириб, айтадиларки: Фараз қилинг ибн Аббос ўша вақтда ёш йигитча бўлишиларига қарамай, катталардек ақл-заковатли, илм-маърифатга чанқоқ эдилар. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ибодатларини ўз кўзлари билан кўриб, у зотдан ибодатлар ўрганиши мақсадида, у зотнинг уйларида тунаб қоладилар. Уламолар айтишиларига қараганда бу фаросатли йигит, аммалари Маймуна розияллоху анҳони, ўша кечা ҳайз ҳолатида бўлганликларини билганларидан кейин, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга тунаш учун келган эканлар. Кейин эса Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи

vasallamни қандай ухлашларини күзатиб, уйғонгунларicha ухламай кутиб, у зотнинг ибодатларини дикқат билан текшириб туришилари ва шу кечада бўлган воқеани ҳаммасини тўла-тўқис ривоят қилиб бершилари илмга ва уни таратишга бўлган иштиёқларига ёрқин далилдир. Оллоҳ таоло бизларга Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига бўлган иштиёқни берсин! Ва бу йўлда қилган камчилик-нуксонларимизни афв этсин!

وآخر دعوانا إِنَّ الْحَمْدَ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.